
26 нафар бола "KIDS" билан хайрлашди

Бағдод туманида давлат-хусусий шерикчилик асосида фаолият юритаётган "KIDS INTERNATIONAL ACADEMY" мактабгача таълим ташкилотида болаларни чин дилдан севадиган, уларни она Ватанга садоқатли, хулқи-одоби билан барчани ўзига ром этувчи ўғил-қизлар этиб тарбиялашни шараф деб билган асл педагоглар меҳнат қилишади. Кун кеча ушбу даргоҳда “Прощай, мой садик” деб номланган тадбир ташкил этилди.

Эртақлар оламидан мактаб аталмиш қутлуғ масканга байрамона тарзда кузатиб қўйилаётган болажонлар шу кун ўзларидаги бор истеъдод ва маҳоратни ишга солиб, йиғилганларни хушнуд қилдилар. Безатилган саҳнага чиққан ўғил-қизлар она Ватан, мустақиллик, бахтли болалик, дўстлик ва бошқа инсоний туйғуларни мадҳ этувчи шеърларни ёддан ўқидилар, турфа хил рақслар ва дилтортар қўшиқлар билан барчанинг кўнглига қувонч улашдилар.

Ташкилот директори Узрохон Тожиеванинг маълум қилишича, шу кун 26 нафар ўғил-қиз шу кун мактаб таълимига тантанали равишда кузатиб қўйилди. Бу болажонлар келгусида юрт равнақи, эл-улус манфаати йўлида фидокорона хизмат қиладилар, дея ишонамиз.

Маълумот учун: 2020 йилда иш бошлаган муассасада ҳозирда 170 нафар бола таълим-тарбия олмоқда.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-08-24 17:51:19